

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2021 йил июнь ойининг 7 куни, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман суди, суд биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи судья А.Абдулхаев, судья ёрдамчиси И.Шахабованинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Шайхонтоҳур туман прокурорининг ўринбосари Г.Салимова, судланувчи АААААА, унинг манфаатларини ҳимоя қилган ҳимоячиси, “Shayxontohur Advokatlari” адвокатлар ҳайъати адвокати Ш.Ясингун, жабрланувчи У.Исраилова ва З.Мусабаеваларнинг иштирокида, ААААААга нисбатан 1-1003-2104/122-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

АААААА – 5 йилда Андижон вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, муқаддам судланган:

1) Тошкент шаҳар Яккасарой туман судининг 24.04.1998 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандлари билан 2 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

2) Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 23.02.2000 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а,б,г” бандлари билан 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, 29.09.2001 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.08.2001 йилдаги “Амнистия тўғрисида”ги Фармонига асосан жазодан озод этилган;

3) жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Зангиота туман судининг 25.12.2003 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 104-моддаси 2-қисмининг “е” банди билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

4) жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти Избоскан туман судининг 03.10.2006 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 60-моддаси тартибида 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

5) жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Юнусобод туман судининг 13.04.2012 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 104-моддасининг 1-қисми билан 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 14.12.2003 йилдаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан 2 йил-у 2 ой 7 кун жазо муддатидан илгари шартли равишда озод этилган;

6) жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти Избоскан туман судининг 23.02.2016 йилдаги ҳукмига кўра,



Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 60-моддаси тартибида 2 йил-у 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Олмалик шаҳар судининг 09.08.2018 йилдаги ажримиға кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан 2 ой 16 кун жазо муддатидан илгари шартли равишда озод этилган, жазо муддати тугаган, ЖКнинг 78-моддаси талабида судланганлик ҳолати тугалланмаган, Андижон вилояти 7-уйда истиқомат қилувчи, иш бўйича қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланган, 12.03.2021 йилдан қамокда сақланган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисми ва 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини тинглаб, дастлабки тергов жараёнида, судда тўпланган далилларни текшириб ва муҳокама қилиб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафларнинг музокаралари ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Судланувчи АААААА, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2021 йил 4 март куни, соат 06:10ларда Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Хадра маҳалласидаги “Oqtera Lavash” кафесига чой ичиш учун кириб, ушбу кафед фаррош бўлиб ишловчи жабрланувчи Исраилова Умида Абдугафуровнага тегишли, нархи 800.000 сўмлик, “SamsungJ2” русумли телефон аппаратини касса олдида турганидан фойдаланиб, яширин равишда ўғирлаб, воқеа жойидан яширинган.

Бундан ташқари, судланувчи АААААА, жиний ҳаракатларини давом эттириб, такроран ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2021 йил 11 март куни соат 07:00ларда Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Хадра маҳалласидаги 23-уй олдида сут маҳсулотлари сотаётган жабрланувчи Мусабаева Зилола Рустамовнага тегишли, нархи 360.000 сўмлик сут маҳсулотларини яширин равишда ўғирлаб, воқеа жойидан яширинган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган АААААА айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, дастлабки тергов даврида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, қуйидагиларни, яъни 2021 йил 4 март куни, соат 06:10ларда Шайхонтоҳур тумани, Хадра маҳалласидаги “Oqtera Lavash” кафесига чой ичиш учун кирганлигини, чой сотиб олиш учун касса олдида турганида, кассада “SamsungJ2” русумли телефон аппаратини турганлигини кўриб, ҳеч кимга сездирмасдан ўғирлаб кетганлигини ва Чор-Су бозоридаги Хусниддин исмли танишига олиб бориб сотиб беришини сўраганлигини, Хусниддин телефонни этикдўзга сотганлигини, лекин пуллари кейинроқ беришини айтганлигини, бундан ташқари, 2021 йил 11 март куни соат 07:00ларда Шайхонтоҳур тумани, Хадра маҳалласидаги 23-уй олдида сут маҳсулотлари сотаётган, шахси кейинчалик маълум бўлган жабрланувчи З.Мусабаевага тегишли, сут маҳсулотларини қаровсиз қолганлигини кўриб, уларни ҳеч кимга



сездирмасдан ўғирлаб кетганлигини, сут маҳсулотларини Жангоҳ маҳалласидаги чиқиндиларни қабул қилиш жойига олиб келиб, Ғ.Хасановга 50.000 сўмга сотиб кетганлигини, сўнгра, уни ИИБ ходимлари излаб юрганлигини эшитиб, 3-сонли ИИБга борганлигини ва содир қилган ўғрилик жиноятларини тан олиб, тушунтириш хати ёзиб берганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, жабрланувчи У.Исраиловага етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаганлигини, жабрланувчи З.Мусабаевага етказилган моддий зарарни яқин қариндошлари қоплаганлигини баён қилиб, суддан унга нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатувлар берди.

Судланувчи АААААА айбига тўлиқ иқроп бўлса-да, унинг айби судда текширилган қуйидагилар билан ҳам ўз исботини тўлиқ топади.

Суд мажлисида жабрланувчи У.Исраилова дастлабки тергов даврида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, қуйидагиларни, яъни Шайхонтоҳур тумани, Хадра маҳалласидаги “Oqtera Lavash” кафесидида фаррош бўлиб ишлашини, 2021 йил 4 март куни ишда бўлган вақтида нархи 800.000 сўмлик, “SamsungJ2” русумли телефон апаратини касса олдида кўйиб, ишлари билан машғул бўлганлигини, телефонида хабар олиш учун келганида, касса олдида турган телефони йўқлигини билганлигини ва ишчилардан сўраганида, ҳеч ким кўрмаганлигини айтганлигини, бу ҳақида ИИБга хабар беришганлигини ва бир неча кундан сўнг, ИИБ ходимлари унинг телефонини ўғирлаб кетган, шахси кейинчалик маълум бўлган ААААААни ушлаганликларини хабар қилишганлигини, ИИБга келганида АААААА унинг телефонини ўғирлаб кетганлигини тан олганлигини, ҳозирда унга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, судланувчи ААААААга нисбатан даъвоси йўқлигини баён қилиб, унга нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатувлар берди.

Суд мажлисига келмаган жабрланувчи З.Мусабаева дастлабки тергов даврида берган кўрсатувлари, унга етказилган моддий зарар қопланганлиги, судланувчи ААААААга нисбатан даъвоси йўқлиги ва енгиллик бериш ҳақидаги аризаси ҳамда гувоҳ Ғ.Хасановларнинг дастлабки тергов даврида берган кўрсатувлари судланувчи ва тарафларнинг розилиги билан ўқиб эшиттирилди.

Бундан ташқари, судланувчи ААААААнинг айби, дастлабки тергов даврида тўпланган ва судда текширилган қуйидаги далиллар, яъни жабрланувчиларнинг судланувчига нисбатан қонуний чора кўриш ҳақидаги аризалари, тушунтириш хатлари, ашёни олиш баённомаси ва унга илова қилинган фото суратлар, воқеа жойининг чизмаси, нарсани кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фото суратлар, У.Исраилованинг телефонини қайтариб олганлиги ҳақидаги тилхати, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва унга илова қилинган фото суратлар, З.Мусабаеванинг оқ рангли сумкаси ва учта банкларини қайтариб олганлиги ҳақидаги тилхати, шунингдек, иш материалларида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар билан ўз тасдиғини тўлиқ топган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасида “*Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шарт. Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Ишда*



юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олинishi лозим. Далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда руҳсат берилмаган усуллар қўлланилганлиги тўғрисидаги мурожаатлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд-тиббий экспертизаси ёки бошқа экспертиза ўтказилган ҳолда мажбурий текширилиши лозим” деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги “**Ўзгалар мулкани ўғирлик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида**”ги 6-сонли қарори 1-бандида “жабрланувчининг ёки бошқаларнинг йўқлигида ёки улар бор бўлса-да, уларга билдирмасдан ўзганинг мол-мулкани яширин талон-торож қилиш ўғирлик ҳисобланади. бордию жабрланувчи ёки бошқалар мол-мулканинг олинаётганлигини кўрган бўлса-да, лекин айбдор билдирмасдан ҳаракат қилган деб ўйлаган бўлса, бундай қилмишни ҳам ўғирлик деб тавсифлаш лозим” деб тушунтириш берилган.

Суд, дастлабки тергов органлари томонидан судланувчи ААААААнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисми, яъни “ўғрилик, яъни ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш” ва ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди, яъни “ўғрилик такроран содир этилган бўлса” жиноят белгилари билан тўғри квалификация қилинган деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 33-моддасида “Ушбу Кодекс Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган, жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир неча жиноий қилмишни содир этиш, агар улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса, жиноятлар мажмуи деб топилади.

Агар шахс содир этган қилмишда ушбу Кодекс Махсус қисми айти бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг аломатлари мавжуд бўлса, у модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича жавобгарликка тортилади” деб кўрсатилган.

Суд, юқоридаги Қонун талабини инобатга олиб, судланувчи ААААААни содир этган қилмишда 169-моддаси 3-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятларнинг аломатлари мавжуд бўлганлиги сабабли, уни модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича жавобгарликка тортишни лозим топади.

Шунингдек, суд судланувчи ААААААга жазо тайинлашда унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий ва моддий шароитини, оилали бўлиб, қарамоғида 2 нафар фарзандлари борлигини, оиласининг ягона боқувчиси эканлигини, жабрланувчиларга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчиларнинг унга нисбатан даъвоси йўқлигини ва енгиллик бериш ҳақидаги илтимосини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолайди. Жиноятни ғараз мақсадларда ва илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахс бўла туриб, қасддан янги жиноят содир этганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони



оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолайди.

Шу билан биргаликда, судланувчи ААААААга жазо турини танлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини эътироф этган ҳолда шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, у томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва ролини, муқаддам судланиб, жазодан шартли равишда озод этилган бўлса-да, ўзига тўғри хулоса чиқариб олмасдан, қасддан жиноят содир қилганлигини, унга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши лозимлигини, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тури тайинланган тақдирда келгусида яна қасддан жиноятлар содир этишга мойиллиги борлигини, унинг келгусидаги жиноий фаолиятини олдини олиш лозимлигини, шунингдек, ААААААни айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий ва моддий шароитини, оилали бўлиб, қарамоғида 2 нафар фарзандлари борлигини, оиласининг ягона боқувчиси эканлигини, жабрланувчиларга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчиларнинг унга нисбатан даъвоси йўқлигини ва енгиллик бериш ҳақидаги илтимосини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, унинг ҳаракатлари учун талқин этилаётган Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам муддатидан ҳам камроқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим топади.

Суд, жабрланувчи У.Исраилова ва З.Мусабаеваларни судланувчи ААААААга нисбатан даъвоси йўқлиги, уларга етказилган моддий зарар қопланганлиги ва ААААААга енгиллик бериш ҳақидаги илтимоларини инобатга олишни лозим топади.

Бундан ташқари, суд ашъвий далил тариқасида олинган ашёларни тилхат орқали жабрланувчиларга қайтарилганлигини инобатга олишни ва “DVD” дискни иш ҳужжатларида сақланишини лозим топади.

Шунингдек, суд манфаатдор тарафларга судланувчидан етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш масаласида фуқаролик тартибида судга муурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460-463, 465-468, 472-473-моддаларига мувофиқ, суд

ҳ у к м к и л а д и:

АААААА Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан айбдор деб топилсин.

ААААААга Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 2 (икки) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо қаттиқ тартибли колонияларида ўтаттирилиши белгилансин.

Жазони ўташ муддати 12.03.2021 йилдан бошлаб ҳисоблансин.



ААААААга нисбатан қўлланган эҳтиёт чораси аслича қамокда сақлаш тарзида қолдирилсин.

Жабрланувчи У.Исраилова ва З.Мусабаеваларни судланувчи ААААААга нисбатан даъвоси йўқлиги, уларга етказилган моддий зарар қопланганлиги ва ААААААга енгиллик бериш ҳақидаги илтимослари инобатга олинсин.

Ашёвий далил тариқасида олинган ашёлар тилхат орқали жабрланувчиларга қайтарилганлиги инобатга олинсин.

Ашёвий далил тариқасида олинган “DVD” диск иш ҳужжатларида сақлансин.

Манфаатдор тарафларга судланувчидан етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш масаласида фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтирилсин.

Апелляция шикоят ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида берилиши мумкин.

Биринчи инстанция судининг апелляция тартибида кўриб чиқилган ҳукмлари кассация тартибида қайта кўрилиши мумкин. Кассация шикояти, протести бевосита кассация инстанцияси судига – Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига берилади. Агар шикоятда, протестда оғирроқ жиноят тўғрисидаги қонунни қўллаш зарурлиги тўғрисида, жазони кучайтириш тўғрисида ёки маҳкумнинг аҳволи ёмонлашишига олиб келадиган бошқа ўзгартиришлар ҳақида оқлов ҳукмини ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги ажримни бекор қилиш тўғрисида масалалар қўйилган бўлса, ишни кассация тартибида қайта кўришга фақат ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бир йил ичида йўл қўйилади.

Кассация шикояти, протести бевосита кассация инстанцияси судига – Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига берилади. Агар шикоятда, протестда оғирроқ жиноят тўғрисидаги қонунни қўллаш зарурлиги тўғрисида, жазони кучайтириш тўғрисида ёки маҳкумнинг аҳволи ёмонлашишига олиб келадиган бошқа ўзгартиришлар ҳақида, оқлов ҳукмини ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги ажримни бекор қилиш тўғрисида масалалар қўйилган бўлса, ишни кассация тартибида қайта кўришга фақат ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бир йил ичида йўл қўйилади.

Раислик қилувчи судья: имзо

Нусхаси аслига тўғри, судья:

